

---

Истиқлол куни арафасида Доғистонликлар учун 11-сонли мактабнинг янги филиал биноси фойдаланишга топширилди  
"Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз" - Фурқат туманининг олис қишлоқларидан бири Доғистон қишлоғида 11 мактабнинг янги филиал биноси фойдаланишга топширилгани Мустақиллик байрамнинг 31 йиллигига байрам тухфаси бўлди.

Доғистон қишлоғида жойлашган 11-сонли мактабнинг 2-филиал биноси 1972 йилда 40 ўқув ўрнига мўлжаллаб, аҳоли вакиллари томонидан ҳашар йўли билан хом ғишдан қурилган эди.

Ушбу мактаб филиали манзилли дастур асосида 807 млн. 280 минг сўм маблағ эвазига реконструкция қилиниб, 40 ўринли янги ўқув биноси фойдаланишга топширилганидан ҳудуд аҳолиси беҳад мамнун. Сабаби қишлоқдаги бошланғич синф ўқувчилари маҳалладан 3 км. узоқликда жойлашган мактабга бориб таҳсил олишарди. Эндиликда болаларга ўз маҳалласида, уйининг ёнгинасида таҳсил олишга имконият яратилди.

Маҳалла аҳли ва ўқувчи ёшларнинг қувончига шерик бўлиш мақсадида ташриф буюрганлар билим масканида яратилган янгича шароит ва қулайликлар билан танишдилар.

Маҳалла аҳлини қўшалок шодиёна билан самимий муборакбод этган масъул раҳбарлар давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган ана шундай ислоҳот ва имкониятлар, халқ таълими тизимини ривожлантириш, соҳадаги кўп йиллик муаммоларни ҳал этишда ҳам асосий омил бўлаётганини таъкидлашди.

Хайрли ишда ташаббускор бўлганларнинг барчасига миннатдорчилик билдирилди. Мактаб ўқувчиларининг замонавий билим ва кўникмаларни чуқур ўзлаштириб, юқори малакали мутахассис ва комил инсон бўлиб етишлари ният қилинди.

2022-08-31 23:59:28